

ОММАВИЙ ОНЛАЙН ОЧИҚ КУРСЛАР ОРҚАЛИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУТАХАССИСЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ



Воҳид Ҳамидов,
Ўзбекистон
Ахборот
ва оммавий
коммуникациялар
аентлиги бўлим
бошлиғи,
техника
фанлари номзоди,
доцент

1-жадвал

The author of the article deals with the possibility of improving the skills of managers and employees of information and library institutions using Internet technologies.

One of the actual tasks of solving this issue is the widespread use of electronic distance learning of specialists, based on international practice. A public open online course is one of the forms of distance learning, which has many functions that provide interactive access via the Internet, where using electronic technologies you can get a lot of information for advanced qualifications.

» **Б**угунги кунда ахборот-кутубхона мұассасаларининг раҳбар кадрлари ва ходимларини интернет технологияларидан фойдаланган ҳолда малакасини ошириш имконияти мавжуд. Бу борада жаҳон амалиётида бу каби мұаммоларни ҳал қилиш учун ахборот-коммуникация технологияларини кенг кўллаш орқали электрон таълим (e-learning) ва масофавий ўқитиш имкониятларидан фойдаланиб келинмоқда.

Республикамизда ахборот-кутубхона мұассасаларининг сони 12198 та бўлиб, уларда 29 мингга яқин ходим меҳнат қиласди. Электрон кутубхоналарга талабнинг ошиши, шуннингдек бу борада янги технологияларнинг татбиқ қилинаётганини ҳисобга олсак, уларнинг замонавий ахборот-кутубхоначилик бўйича билим ва кўникмаларини ошириб бориш – долзарб масала ҳисобланади.

Кутубхоначилар учун узлуксиз таълим курсларини ташкилластириш, кутубхона ходимлари учун масофавий таълим курсларини ривожлантириш ҳозирги вақтда мухим масалалардан бири ҳисобланади. Бугунчи нунда оммавий очик онлайн курс (ОООК) (инглиз тилидан MOOC – Massive Open Online Course) масофавий таълим шаклларидан бири бўлиб, интернет орқали эркин кириш ва электрон таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив қатнашиш имконини берувчи оммавий ўқув курсларидир.

Ўқув курсининг анъанавий материаллари, жумладан, видео, ўқиш ва уй вазифаларига қўшимча тарзда оммавий очик онлайн курслар талабаларга, ўқитувчилар ва ассистентлар жамоаларини яратиш ва қўллаб-куватлашга ёрдам берадиган интерактив форумларида қатнашиш имконини беради.

Оммавий очик онлайн курслар 2008 йилда

Провайдер	Ташкилотчилар	Ҳамкор университетлар	Курслар сонидан ортиқ	Фойдаланувчилар сони
Coursera	Хусусий, Стандфорд университети профессорлари Andrew Ng ва Daphne Koller	150	2000	25 млн.дан ортиқ
edX	Гарвард университети ва Мичиган технология институти	25 дан ортиқ	1500	10 млн.дан ортиқ
Udacity	Хусусий, Стандфорд университети профессори Sebastian Thrun	2	227	8 млн.дан ортиқ

ОООК доирасида 01.02.2019 йил ҳолати бўйича масофавий таълим хизматларининг энг йирик провайдерлари

Қуйида келтирилган 2-жадвалда эса ахборот-кутубхона мутахассисларининг малакасини оширишга тавсия этилаётган курслар ўз аксини топган.

2-жадвал

Курс номи	Таълим провайдери	Курс ҳақида қисқача маълумот	Ҳавола
Teaching Library Research Strategies	Canvas Network	Кутубхона муҳитида китобхонлар билан ишлашнинг инновацион услубларидан фойдаланишин ўргатади. Хусусан, кутубхонада тадқиқотлар олиб бориш стратегияси ахборот олиш маданияти, китобхонлар ўртасида коммуникация усуллари ҳақида баён қилинади.	https://www.class-central.com/course/canvas-network-teaching-library-research-strategies-2895
Strategic Planning for Public Libraries	edX - The University of Michigan	Оммавий кутубхона муассасасини бошқариш, стратегик режалаштириш, раҳбар кадрларнинг малакасини шакллантиришга багишиланган.	https://www.class-central.com/course/edx-strategic-planning-for-public-libraries-9173
Identifying Community Needs for Public Library Management	edX - The University of Michigan	Оммавий кутубхона билан давлат ва нодавлат ташкилотларининг ишлаш усуллари келтирилган	https://www.class-central.com/course/edx-identifying-community-needs-for-public-library-management-8506
Managing a Diverse and Inclusive Workplace for Public Libraries	edX - The University of Michigan	Оммавий кутубхона ходимларини бошқариш усулларини ва инструментларини ўргатади. Инсон ресурсларини тўғри бошқариш, ташкилий тадбирлар ташкиллаштириш малакасини шакллантиришга ёрдам беради	https://www.class-central.com/course/edx-managing-a-diverse-and-inclusive-workplace-for-public-libraries-8664
Digital library in principle and practice	University of Parma via EMMA	Электрон кутубхонанинг имкониятлари, ишлаш усуллари ва билим олиш усуллари ўргатилади.	https://www.class-central.com/course/emma-digital-library-in-principle-and-practice-5887

масоғавий таълим соҳасида пайдо бўлди, лекин 2012 йилда Coursera, Udacity ва Udemy каби лойиҳалар биринчи инвестицияларни жалб қилгандан кейин чиндан ҳам машҳур бўлди. ОООКнинг дастлабки веб-сайтлари (масалан, Udacity), асосан, эркин фойдаланиш концепцияси (очиқ контент) ни тарғиб қилди. Кейинчалик сайтлар тўлиқ, ёки қисман белуп таълим олиш имкониятини қолдириб, пулли контентга ўтишди. Баъзи платформаларда ўзларининг хусусий контентлари (таълим материаллари) мавжуд эмас, аммо улар дунёнинг етакчи университетлари билан келишган ҳолда улардан контент олишади. Олинган ўкув материалларини ўқувчилар учун кулагай, тизимили тартибда ўз платформаларида жойлаштиришади.

Мисол учун, энг машҳур платформалардан бири Coursera дунёнинг 150 дан ортиқ етакчи олий ўкув юртлари билан ҳамкорлик

қиласи (1-жадвал) ва талабаларга жаҳоннинг етакчи олий ўкув юртларининг онлайн курсларини таклиф этади. Кўпгина ўкувчиларга таълим олиш учун жуда кулагай механизм бўлгани учун улар оммалашган ва талаб юқоридир. Юқорида келтирилган ўкув курсларида ўқиш билим олувчида инглиз тилининг B1 даражада билишлик талаб қилинади. Шунингдек, курсни ўзлаштириши учун компьютер саводхонлиги бўлиш керак. Агар билим олувчида юқорида санаб ўтилган билим малакаси бўлмаса, айнан шу ОООК орқали инглиз тили ва компьютер саводхонлиги бўйича маҳсус ўкув курсларига ёзилиб (рўйхатдан ўтиб) билим олишлари тавсия этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ОООК технологияларини муваффақиятли жорий этиш ахборот-кутубхона соҳасида улкан ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Воҳид Хамидов, заведующий отдела Узбекского агентства информации и массовых коммуникаций, кандидат технических наук, доцент.

Автор статьи затрагивает вопросы возможности повышения квалификации руководителей и сотрудников информационно-библиотечных учреждений с использованием интернет-технологий. Одной из актуальных задач решения этого вопроса является широкое применение электронного дистанционного обучения специалистов, исходя из мировой практики. Публичный открытый онлайн-курс - это одна из форм дистанционного обучения, имеющий много функций, которые обеспечивают интерактивный доступ через интернет, где с помощью электронных технологий можно будет получить много информации для повышения квалификации. ■